

NATIONAL MODEL OF EDUCATION

Fuzailova Gavkhar Siddikovna,

Associate Professor of the International Islamic Academy of Uzbekistan

Annotation. Pedagogy is the science of upbringing, and it discusses the upbringing of the younger generation and adults. This article gives a brief overview of the term's education, training and information, and summarizes the definitions.

Keywords: Pedagogy, education, teaching, upbringing, science, education, national pedagogy, human maturity, perfect human education, "Avesto", pedagogy of independence.

ТАЪЛИМНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

Фузаилова Гавхар Сиддиковна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти

Аннотация. Педагогика тарбия ҳақидаги фан бўлиб, у ёш авлодни ва катталарни тарбиялаш ҳақида баҳс этади. Ушбу мақолада тарбия, таълим ва маълумотлар бериш терминлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилиб, таърифлар умумлаштирилган.

Калит сўзлар: педагогика, тарбия, таълимот, тарбиялаш, фан, маълумот бериш, миллий педагогика, инсон камолоти, комил инсон тарбияси, «Авесто», мустақиллик педагогикаси.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини янгиланган соғлом педагогик тафаккур асосида тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия муассасаларида тайёрланадиган кадрларни интеллектуал, маънавий ва ахлоқий савиясига кўра ривожланган мамлакатлардаги даражага етказиш бўйича белгиланган назарий-методологик, амалий педагогик ёндашувлар мажмуи. Таълимнинг миллий моделида маънавий интеллектуал жиҳатдан баркамол шахснинг ўз ижодий қобилятини тўла намоён этишини таъминлаш кўзда тутилади.

Ўзбек педагогикаси жуда қадимги тарихга эга бўлиб, унинг дастлабки илдизлари Авестога, Урхун-Енисей битикларига, Селунгур маданиятига бориб тақалади. Авестодаги «эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» ҳақидаги кишиларга кўнгил маърифатини бериш борасидаги қарашлар, ёзма миллий педагогик қарашларнинг дастлабки намунаси бўлиб, етук инсонни шакллантиришга йўналтирилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган педагогик таълимнинг асосий мақсадларидан бири тарбияга баркамол шахс маънавиятини шакллантиришнинг асосий воситаси сифатида қарашидир.

Миллий педагогиканинг тараққиётида ислом дини ва тасаввуф таълимоти ҳал қилувчи ўрин тутади. Чунки, Қуръони Карим, ҳадиси Шариф ва тасаввуф таълимотининг марказида ахлоқ, комил инсон маънавиятини шакллантириш туради.

Инсон камолоти - бу инсоннинг кенг маънода ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиши жараёнидир. Бу жараёнда тарбиянинг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Комил инсон тарбияси - бу таълим-тарбия жараёни орқали амалга оширилади ва педагогика фани асосида таркиб топтиради. Бунинг учун қуйидаги манбаларни чуқур ўрганиш, таҳдил қилиш, ўзлаштириш ва ўз турмуш тарзимизда (қундалиқ фаолиятимизда) жорий этишимиз лозим:

- Авестодаги эзгу ўй, эзгу фикр, эзгу амал тизими бўйича фикр юрита олишликни амалга ошириш ва ёшлар тарбиясида улардан фойдаланиш;

- Қуръони Карим, ҳадиси Шарифлардаги манбалар бўйича ёшлар онгига маънавий руҳий покликнинг мезонлари ва тамойилларини сингдириш;

- Абу Наср Форобийнинг фозил одамлар ҳақидаги таълимоти асосида таълим-тарбия бериш;

- Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синоларнинг педагогик ва фалсафий қарашлари

асосида таълим-тарбия бериш;

- Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий асарларида тасвирланган бенуқсон инсонлар ҳақидаги

таълимотлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Накшбанд, Машраб, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Марғиновий, Мотрудий, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг комил инсон ҳақидаги таълимотлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Амир Темур «Тузуқлари» ва Қозизоданинг «хукмдорга ўғитлар» таълимотлари асосида таълим-тарбия бериш;

- Алишер Навоийнинг адолатли жамият ва комил инсон таълимоти асосида таълим-тарбия бериш;

- Мирзо Бобурнинг динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва бунёдкорлик ғоялари асосида таълим-тарбия бериш;

- Ўзбек халқ педагогикаси намояндаларининг баркамол инсон таълим ва тарбияси ҳақидаги назариялари асосида таълим-тарбия бериш ва шу кабилар.

Мустақиллик педагогикаси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши натижасида ва эркин фикрлашга тўлиқ имкониятлар яратилиши билан боғлиқ ҳолда юзага кела бошлади. Натижада педагогикада соғлом ақл, ижодий муҳит, миллий руҳият ва анъаналар, маросимлар, урф-одатларга мос тарзда таълим-тарбияни олиб бориш имконияти яратилди.

Замонавий миллий педагогикамизга миллат руҳиятининг нозик жиҳатларига кириб бориш ва дунё тарбияшунослигидаги энг сўнгги ютуқларни ҳам ҳисобга олиш имконияти яратилди. Ана шу сабабли ҳам бугунги миллий педагогикамиз мунтазам равишда тараққий этмоқда ва унга баркамол авлодни шакллантиришдек муҳим вазифа қўйилган. Айни пайтда барча педагогик тадбирларда ёшлар таълим-тарбия жараёнининг объектигина эмас, балки субъекти, яъни ижрочиси ҳам эканлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу таълим-тарбия олувчиларнинг мустақил ва эркин фикрлашларини таъминлашга имкон бермоқда. Энг асосийси ёшларда тарбияланиш ва ўқишга эҳтиёж уйғотишга йўналтирилган ҳолда таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда.

Демак, бугунги педагогикамиз - муайян билимлар йиғиндисини эмас, балки, бола шахси бош қадриятга айланиб, шу сабабли ҳам бугунги ёшларга қўйиладиган талаб, фақатгина билимли бўлиш эмас, балки изланувчан, ташаббускор, фидойи, интеллектуал салоҳиятли бўлишини ҳам талаб қилмоқда.

Педагогика фанининг долзарб вазифалари:

1. Педагогика фанини миллий педагогика сифатида таркиб топдириш ва уни жаҳон фанлари тизимида юқори даражага кўтариш;

2. Педагогика фани миллий мафкура, Кадрлар тайёрлаш Миллий модели, тараққиётнинг ўзбек модели талаблари ва илғор ривожланган давлатлар давлат таълим стандартлари асосида инновацион ёндошувлар қилиш билан ўз методологияси ва йўналишларини тубдан ислоҳ қилиш;

3. Педагогика фанидаги тадқиқот савияси ва унинг методологиясига инновацион тус бериш, улардаги сифат ўзгаришлари ва самарадорликни мунтазам равишда баҳолаб боришга эришиш;

4. Педагогик тадқиқотларни олиб боришда бошқа фанларнинг илғор ютуқларидан фойдаланишга эришиш, шахсни бир бутунликда ўрганиш ва уни шакллантириш методологиясини яратиш;

5. Педагогика фанлари тизим ва таркибини такомиллаштириш, ижтимоий педагогика соҳасида оила педагогикаси, маънавият-маърифат педагогикаси алоҳида фан сифатида таркиб топиши. Профессional педагогикада иқтидорли болаларни танлаш ва уларни ўқитиш, мактаб, лицей, коллеж, малака ошириш, олий ва хусусий ўқув юртлари таълим-тарбия ишларини ташкил этиш назарияси ва амалиётини такомиллаштириш. Педагогика назарияси ва амалиётининг ўзаро боғлиқлиги, педагоглар оммасининг эркин ижодкорлигига шароит яратиш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш тизимини таркиб топтириш.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълимни технологиялаштириш: педагогик технология, таълим технологияси, тарбия технологияси, инновацион таълим технологияси ва шу кабиларни алоҳида ўрганиш ва улар асосида инновацион педагогик технология, янги педагогик

технология ва янги ахборот технологияларни ишлаб чиқиш орқали таълимни ҳамда педагогик тадқиқотларни компьютерлаштиришга эришиш, шунингдек, замонавий таълим технологиясининг илмий-назарий асосларини яратиш;

7. Узлуксиз таълим тизимида бола тарбияси ривожининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда баркамол авлодни шакллантиришга замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланишга эришиш. Бунда мустақиллик мафкурасини инсонлар онгига сингдириш усуллари, шакллари, йўллари, воситалари ва уларнинг ахборотли таъминотларини ишлаб чиқиш, ҳаётга жорий этиш орқали ёшларда ўзлигини билиши, ўз-ўзини бошқара билиши, тарбиялай олиши каби хислатларни такомиллаштириш;

8. Педагогик диагностика ва прогностика йўналишида илмий тадқиқот ишини давр талабига мос ривожлантириш. Бунда илм-фан ва техника-технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланишга эришиш;

9. Таълим-тарбия тизимида модели, модулли таълим технологияларига кенг ўрин ажратиш ва улар асосида компьютер учун мулоқотли ишчи дастурлар тайёрлаб компьютерли тизимлар яратишга эришиш ва улардан таълим-тарбиянинг инновацион хусусиятларини вужудга келтиришда кенг фойдаланиш;

10. Таълим-тарбия жараёнида рейтинг-назорат тизимига катта эътибор бериш ва бу жараёнларни бошқаришни замонавий компьютерлар зиммасига юклашга ҳаракат қилиш;

11. Узлуксиз таълим тизимидаги таълим-тарбия тизими мақсади, вазифаси ва мазмунини замонавий давр талаблари асосида тубдан ислоҳ қилишга эришиш;

12. Таълим-тарбия тизими методологиясини тубдан ислоҳ қилиш концепциясини яратиш, комил инсон моделини ишлаб чиқиш технологиясини яратиш;

13. Таълим-тарбия жараёнига бир бутунликда қараб, унта «тизимий ёндашув» тадқиқот усулини қўллашга эришиш;

14. Тарбиянинг умумий методларини такомиллаштириш, шарқ халқларининг тарбия борасидаги тажрибаларини қўллаш методикасини яратиш, тарбия мазмуни ва методини инсонийлаштириш:

- истиқлол мафкураси асосида ёшларнинг миллий дунёқарашини шакллантириш, ўқув фанларининг ақлий камолот имкониятини ошириш синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларининг дунёқарашини таркиб топтириш даражасини ошириш;

- маънавий-ахлоқий мазмунини (тарбиянинг) такомиллаштириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан бойитиш. Ахлоқий тарбияда шарқона намуна методини қўллаш технологиясини яратиш;

15. Касбий ва меҳнат тарбиясининг жамият, ишлаб чиқариш, илм-фан, техника-технологиялар асосида ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқариш;

16. Иқтисодий ва экологик таълим-тарбияни ривожлантиришда замонавий таълим технологияларидан унумли фойдаланишга эришиш ва бунда илм-фан ютуқларидан мунтазам фойдаланиб бориш механизминини яратиш;

17. Маънавий-маърифий тарбияни янада жонлантириш ва ёшларимиз ғоявий онгида бўшлиқ бўлишга йўл қўймаслик методологиясини яратиш;

18. Ақидапарастлик ва терроризм балоларидан ёшларимизни асрашда касбий компьютерли ўйинлардан кенг фойдаланишга эришиш, айниқса, кибертерроризмдан ёшларимизни асраш механизминини яратишга кенг имкониятлар яратиш;

19. Ижтимоий ва касбий педагогикасини барча соҳаларини мунтазам равишда давр билан мос ҳолда такомиллаштириб боришга эришиш;

20. Таълим-тарбия соҳасидаги барча хатти-ҳаракатларимизни ЎзР Конституцияси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонун ва бошқа шу каби давлат меъёрий ҳужжатлари асосида олиб боришга эришиш ва х.к.

Ушбу муаммолар қаторини яна қўшлаб давом эттириш мумкин, чунки таълим-тарбия жараёни ҳам

мураккаб тузилмага эга бўлган динамик жараёндир. Шу сабабли бу борадаги илмий тадқиқот иши ҳам узлуксиз равишда ривожланиб, такомиллашиб бораверади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. - Т.: Мовароуннахр, 2002.
2. Тўрақулов Х.А. Педагогик тадқиқотларда ахборот тизимлари ва технологиялари. - Т.: Фан, 2006.
3. Тўрақулов Х.А. Илмий ижодиёт методологияси. - Т.: Фан, 2007.
4. Фалсафа: Қомусий луғат. Т.: Шарқ, 2004
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. - Т.: ЎМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. - Т.: ЎМЭ Давлат илмий нашриёти, 2004.